МАДАЛИЕВА Ойсара
ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими,
Тошкент давлат шарқшунослик университети катта ўқитувчиси, PhD

МАТНШУНОСЛИК ВА АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИК СОҲАСИГА ОИД ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР ХУСУСИДА

ОБ УЧЕБНЫХ ПОСОБИЯХ В ОБЛАСТИ ТЕКСТОЛОГИИ И ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ ЛИТЕРАТУРЫ

ABOUT TEACHING AIDS IN THE FIELD OF TEXTOLOGY AND SOURCES OF LITERATURE

Аннотация. *Мақола Қ.Содиқов, Ш.Сирожиддинов, А.Эркинов каби олимлар томонидан 2017-2019 йилларда нашр этилган матншунослик ва адабий манбашунослик соҳасига тегишли ўқув қўлланмаларнинг тақризига бағишланган. Мақола муаллифига кўра, ўқув қўлланмаларда ёритилган мавзулар соҳада кадрлар тайёрлаш йўлидаги муҳим масалаларни ўзида акс эттириши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, мақолада матншунослик ва адабий манбашунослик йўналишини ривожлантириш борасида таклифлар ҳам бериб ўтилган.*

Калит сўзлар: *ўқув қўлланма, матншунослик, адабий манбашунослик, қўлёзма, тавсиф, илмий-танқидий матн.*

Аннотация. *Статья посвящена обзору учебников в области текстологии и литературоведческого источниковедения, изданных в 2017-2019 гг. учеными К.Содиков, Ш.Сирожиддинов, А.Эркинов. По мнению автора статьи, темы, освещаемые в методических пособиях, важны, поскольку в них отражены вопросы в области подготовки кадров. В статье также даются предложения по развитию направления текстологии и литературоведческого источниковедения.*

Ключевые слова: *учебное пособие, текстология, литературоведческое источниковедение, рукопись, описание, научно-критический текст.*

Abstract: *The article is devoted to the review of textbooks in the field of textology and literary source studies published in 2017-2019 by scientists such as Q.Sodikov, Sh.Sirojiddinov, and A.Erkinov. According to the author of the article, the topics covered in the methodological manuals are important because they reflect issues in the field of personnel training. The article also offers suggestions for the development of textual criticism and literary source studies.*

Key words: *textbook, textology, literary source study, manuscript, description, scientific-critical text.*

КИРИШ

XX асрнинг ўттизинчи-қирқинчи йилларидан фан сифатида шакллана бошлаган ўзбек мантшунослиги бугунги кунга келиб кўплаб ютуқларга эришди. Сўнгги беш йилда матншунослик ва адабий манбашунослик соҳасида бир нечта ўқув қўлланмалар яратилди. Бу жараённи фаннинг катта ютуғи сифатида баҳоласак арзийди. Зеро, бизнинг талабалик даврimiz кечган яқин йилларда ҳам соҳага оид ўзбек тилида яратилган уч-тўрт ўқув қўлланма мавжуд эди, холос [4:50; 5:172; 6:98; 7:136].

Биз ушбу мақолада 2017-2019 йилларда мазкур йўналишда яратилган ўқув қўлланмалар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимизда кейинги йилларда қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш, улар билан боғлиқ илмларни оммалаштириш масалаларида жадал ишлар кетмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида», 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда соҳа ривожланиши юзасидан белгиланган вазифалар мамлакатимизда шарқшунослик, матншунослик ва манбашуносликка берилаётган эътиборнинг тобора ортиб бораётганини англатади. Бу жараёнда соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш масаласи ҳар доим долзарб бўлиб қолмоқда. Шу маънода бир қанча олий ўқув даргоҳларида манбашунос кадрларни тайёрлашга алоҳида урғу берилган. Маълумки, кадрлар тайёрлашда фан юзасидан янги адабиётларни чоп қилиб бориш, мавжудларини ривожлантириш керак бўлади. Шу маънода, ушбу мақолада тилга олмоқчи бўлганларимиз ўқув қўлланмаларнинг нашри узоқ кутилган, айни пайтда муваффаққиятли амалга ошган илмий ишлар сирасида туради.

2017 йилда ф.ф.д., проф. Қ.Содиқов томонидан “Матншунослик ва манбашунослик асослари” [2:216] номли ўқув қўлланмаси чоп қилинди. Нашр мундарижасини *кириш*, *Ўрта Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихи*, *илк ва ўрта асрларда китобат иши, матннинг тузилиши ва тили*, *илмий нашрлар яратиш масаласи*, *асар қўлёзма нусхаларини чоғиштирма ўрганиш ва илмий матн тузиш принциплари*, *фойдаланилган манбалар ва илмий адабиётлар* ҳамда *қўшимчалар* номли бўлимлар ташкил этади. Қўлланма жами 216 бетдан иборат бўлиб, 200-216-бетлар орасида мавзуларга мос равишда иловаларни кўрамиз.

Қўлланма муаллифи ўқувчини дастлаб матншунослик ва адабий манбашунослик атамалари тушунчалари, уларнинг турлари билан таништиради. Сўнг ҳар бир боб юзасидан алоҳида бўлимлар ажратилиб, тегишли мавзулар батафсил баён этилади. Ушбу қўлланманинг асосий хусусиятларидан бири унда ўзбек матнчилиги ва манбашунослиги энг қадим илдизларидан бошлаб ёритилган. Тошбитиглар матнидан бошлаб то XIX аср адибларининг асарлари матнигача мавзуларда мисол тариқасида қўлланади, улардан келтирилган намуналар асосида мавзу атрофлича мушоҳада қилинади. Китобдан тошбитиг, қўлёзма, тошбосма ва тарихий ҳужжатлар матншунослиги ва манбашунослигига тааллуқли деярли барча маълумотларни олиш мумкин.

Муҳими, қўлланмада туркий матнларни транскрипция ва транслитерация қилишнинг йўл-йўриқлари бир изчилликда тушунтириб берилган. Туркий тил тарихи босқичларига кўра муомалада бўлган ҳар бир товуш фонетик жиҳатдан таҳлил қилинади, ушбу товуш учун қайси транскрипцион ёки транслитерацион белгилар мувофиқ келиши баён этилади. Шунингдек, ўқув қўлланмада манбалардан келтирилган ўрнакларнинг барчаси туркий транскрипцияда берилган ва бу жиҳатдан муаллиф соҳа мутахассисларига намуна бўлган, дейиш мумкин.

Ушбу қўлланмада Марказий Осиё халқларининг ёзув маданияти, китобчилик тарихи энг қадим даврлардан, ҳали ислом дини кириб келмасидан бурунок шаклланган, бу анъаналарнинг ривож топишида қайси омиллар туртки бўлгани ҳақида манбаларга таянган кучли тадқиқотлар тақдим этилган. Муаллиф инсоният тамаддунининг асосий унсури ҳисобланган китобат санъати мусулмон минтақа маданиятида чўққисига чиққанини таъкидлар экан, ушбу соҳанинг ҳар бир йўналишида амалга оширилган ишларни назарий томндан асослаб беради. Қўлёзма китоб яратиш жараёнида амалга ошиши лозим бўлган ҳар бир техника-технологияни ўқувчи кўз ўнгида жонлантира олади. Ўтмишда юртимизда яратилган ҳар бир китоб турининг ортида қанча меҳнат ётганини ҳизирги илмий тилда ниҳоятда равон ифода этилгани боис қўлланмани ўқувчи мазкур жараёнларни ҳис этган ҳолда ўрганади, бу жараёнларга нисбатан унда муҳаббат уйғонади.

Ушбу қўлланмада эпиграфика тарихи, эпиграфик матнларнинг матний ва манбавий хусусиятларини тадқиқ этишда қайси жиҳатларга диққат қаратиш лозимлиги масалалари ҳам атрофлича ёритилган.

Мазкур ўқув қўлланмада лексикография тарихи билан боғлиқ манбашунослик ва матншунослик масалаларининг ҳам ёритилиши диққатга лойиқ. Қўлланма муаллифи ўтмишда яратилган икки, уч ва тўрт тилли луғатларнинг мавжудлиги ҳақида ўқувчига маълумот бериб, уларнинг матний тадқиқи билан боғлиқ муҳим жиҳатларини намуналар келтириш орқали тушунтириб ўтган. Маълумки,

манбашуносликда қўлёзма луғатлар билан ишлаш амалиёти мураккаб йўналиш бўлиб, бу тадқиқотчидан пухта билим ва тажриба билан бирга катта сабр талаб этади. Қўлланма муаллифи эса ушбу йўналишда қайси принциплар қўлланса, тез ва осонроқ натижага эришиш мумкинлигига йўл кўрсатади.

Умуман, мазкур ўқув қўлланма билан яқиндан танишиб чиқиш натижасида муаллифнинг филология ва унга ёндош тарих фанларининг барча соҳасидан яхши хабардор экани, энг муҳими, мазкур билимларни манбашунослик ва матншунослик соҳаси билан боғлаб назарий ўргатиш маҳорати юқори даражада эканини англаш мумкин.

Бугун сўз юритмоқчи бўлганимиз яна бир қўлланма "Матншунослик сабоқлари" [1:127] деб номланиб, 2019 йилда фил.ф.д., профессор Ш.Сирожиддинов томонидан чоп этилган. У кириш ва матншунослик соҳасининг асосий масалаларини қамраб олган икки йирик боб, хулоса ва адабиётлар қисмидан иборат жами 127 бетни ташкил этади.

Қўлланманинг кириш қисмида соҳанинг тарихи, ривожланиш жараёнлари ва бугунги ҳолати ҳақида сўз боради. Унда муаллиф "XX асрнинг 60-80-йиллари орасида адабиётга оид нодир қўлёзмаларни чуқур ўрганиш натижасида ўзбек адабиёти тарихи ҳақида тўла тасаввуур берадиган фундаментал тадқиқотлар юзага келганини" таъкидлайди.

Қўлланманинг "Назарий масалалар (матншунослик)" деб номланган биринчи бобида *матн ва манба, матн тарихи, матн талқини тадқиқи, матн тузиш, китобат санъати, тошбосма ва факсимил нашрлар ҳамда муҳрлар* каби мавзулар атрофлича ёритилган.

Хусусан, *матн талқини тадқиқи* мавзусини ёритиш асносида манбашунос ва матншунос мутахассисларнинг айнан қайси мақсадни кўзлаб иш тутишларига кўра уларнинг тадқиқотлари фарқланиши яққол кўрсатиб бериладики, бу киши эътиборини тортади. Билдирилишича: "Манбашуносларни кўпроқ тарихий фактлар, хронология қизиқтиради, бошқача айтганда, улар матн тарихи ва мазмунини ўрганишга эътибор берадилар. Матншуносларни эса матн тарихи ва мазмунидан ташқари, матн замирида кўзда тутилаётган мақсад, талқин моҳиятини англашга бўлган эҳтиёж матнни чуқур таҳлил этишга мажбур қилади". Шу тариқа мутахассисда манбашунос ва матншуноснинг амалга оширадиган тадқиқотида қандай жиҳатларга эътибор қаратилиши Исҳоқ Боғистонийнинг "Тазкираи қаландарон" асарида келтирилган 1710 йил Қабодиён воқеалари, яъни Бобораҳим Машраб ва Сўфи Оллоҳёрнинг учрашувларида кечган суҳбат матни келтирилган. Ушбу парча юзасидан амалга оширилган манбашунослик тадқиқоти ва бу суҳбат матншунос назарида қандай ўрганилиши мумкинлиги масаласи ўртага қўйилган ҳамда қаратилаётган эътибор натижаси ўлароқ бу икки мутахассиснинг фаолияти гарчи бир-бирини тўлдирса-да, қайси жиҳатлари билан айнан фарқланиши ихчам, аммо аниқ ва равшан тарзда очиб берилган.

Қўлланмада *муҳрлар* мавзусига алоҳида тўхталиб, хусусан, қўлёзма китобларни ўрганиш ва умуман, шарқ халқлари тарихида муҳрларнинг аҳамияти ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

"Матншунослик сабоқлари"нинг иккинчи боби *амалий матншунослик (матнчилик)* масаласига бағишланган. Унда *матншуносликнинг тадқиқ усуллари, ҳижрий йилни милодийга табдил қилишнинг оддий формулалари, хат турлари, қўлёзма китобларнинг ички тузилиши ва безаклари, ҳарфий санъатлар, абжад, тарих, муаммо, ҳуруфи далолат* каби мавзулар баҳсга тортилган.

Муҳими шундаки, қўлланмада келтирилаётган ҳар бир маълумот таҳлилида муаллифнинг иштироки сезилиб туради. Тадқиқот натижалари ниҳоятда содда илмий услубда баён этилгани боис уларни талабалар, бўлғуси мутахассислар қабул қилиши ҳам осон кечади. Масалан, абжад ҳисобини тушуниш, қадимий ёзма манбаларда келтирилган тарих-хронограммаларни ечиш талабаларгина эмас, мутахассислар назарида ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу ўқув қўлланмада мазкур мавзуларнинг баён услуби, ўргатилган йўл-йўриқлари эса масалани анча енгил қабул қилишига сабаб бўлган.

2019 йилда фил.ф.д. А.Эркинов томонидан "Матншунослик ва манбашунослик асослари" [3:98] номи остида яна бир ўқув қўлланма нашр қилинди.

Ушбу қўлланма *сўзбоши; матншунослик ва манбашунослик фанига кириш, фаннинг мақсад ва вазифалари, ўзбек матншунослиги: шаклланиши ва тарихий такомили, ўзбек китобат тарихи: илк китоблар, темурийлар даври маданияти ва китобат санъати, китоб ва унинг турлари, қўлёзма китобларнинг бадиий безаклари, қўлёзмаларнинг хат услуби, қўлёзма китобларни сақлаш ва уларни илмий ўрганиш масалалари, тошбосма китоблар ва уларнинг яратилиш тарихи, қўлёзма фондлар ва улардан фойдаланиш одоби, шарқ қўлёзмаларини илмий тавсифлаш, асар қўлёзмалари асосида илмий матн тузиш, матн ва унинг турлари, факсимил нашрлар, уларнинг фандаги ўрни ва аҳамияти, илмий транскрипция, транслитерация ва табдил, илмий матн тузиш принциплари, матн техникаси, илмий аппарат масаласи, шарқ матншунослигида яратилган йирик кашфиётлар* каби мавзулардан иборат асосий қисм ҳамда адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Ушбу қўлланмада ҳам 1-мавзудан бошлабоқ, масалага жиддий кириб борилган. Хусусан, матншуносликнинг вазифалари тушунтирилган иккинчи мавзуда асарнинг аниқ матнини яратиш, матнни уюштириш ва уни ўқувчига етказиш масалаларида қимматли фикрлар билдирилган. Бу босқичларнинг ҳар бири матншуносликнинг асосий вазифалари экани уқтирилиб, уларни амалга оширишда матншунос қайси жиҳатларга эътибор қаратиши лозимлиги изоҳлаб берилган. Ушбу мавзу “Ҳар қандай адабий таҳлилдан олдин адабиётшунослар, қайсидир даражада, матншунослик ва манбашунослик фаолиятини олиб борадилар. Шу боис, ҳар бир адабиётшуносда матншунос ҳам яшаши шарт. Илмий иш жараёнида манбашунослик ва матншунослик босқичини амалга ошириш ва бу соҳаларни эгаллаш адабиётшунослик таҳлилини чуқурлаштирилади” каби қарашлар билан якунига етказилади.

Қўлланмаларда шарқ қўлёзмаларни илмий тавсифлаш мавзусига алоҳида эътибор қаратилган. Қ.Содиқов қўлёзмаларни тавсифлашнинг фанда кенг тарқалган уч йўли: қисқа, ўртача ва монографик тавсифлаш мавжудлигини ўргатади ҳамда мазкур тавсифлашларнинг намуналарини келтиради. Олим бир монографик тавсиф – бир мақола даражасида туриши, шунинг учун, қўлёзма асарларни батафсил тавсифлаш жараёнида уни ҳар томонлама ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. А.Эркинов эса қўлёзма асарларни тавсифлашни немис ва рус шарқшунослик мактаби тажрибаси асосида ёритади. Жумладан, немис шарқшунос каталогизаторлари томонидан ишлаб чиқилган 27 мезон асосида Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достони илмий тавсифи келтирилади. Тасифларни каталог ёки феҳрестларда системалаштириш борасида эса рус олимлари томонидан нашр қилинган исломшуносликка оид каталогдан намуна келтирилади ва шу асосда мавзу мустаҳкамланади.

Қўлёзма асар матнини илмий нашр этиш борасида ҳам қўлланмаларда муаллифлар ўзларининг тажрибасига асосланиб, энг ишончли маълумот ва тавсияларни берганлар. Ўқув қўлланмаларда ушбу мавзуни тушунтириш услуби ҳар хил бўлса-да, берилган якуний хулосалар деярли фарқ қилмайди. Яъни ҳар уч олимга кўра, қўлёзма асарларнинг илмий нашрлари амалга оширилмагунча уларнинг оммабоп нашрларини яратиш мантиққа зид. Дарҳақиқат, энг мўътабар нусхаларни ўзаро чоғиштириш натижасида юзага келган илмий нашр асарнинг муаллиф яратган вариантига энг яқин матн ҳисобланади.

Бизнингча, Қ.Содиқов ўқув қўлланмасида муаллиф тилшунос олим бўлгани учун лингвистик йўналиш руҳияти кучли. А.Эркинов адабиётшунос бўлгани сабабли унинг қўлланмасида бадиий матнларга адабиётшунослик жиҳатидан ёндашув кучлилиги билан ажралиб туради. Бу икки қўлланма филологиянинг икки бош тармоғи – матншуносликка тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишидаги ёндашув ва таҳлиллари билан бир-бирларини қайсидир даражада тўлдиради. Ш.Сирожиддинов томонидан яратилган қўлланма эса матншунослик билан боғлиқ мутахассислар орасида ҳам унутилиб бораётган баъзи масалаларни ўртага қўйгани билан муҳимдир.

Ҳар уч ўқув қўлланмада фойдаланилган манба ва адабиётларни расмийлаштириш мукаммал амалга оширилган. Уларда фойдаланилган асосий ва қўшимча адабиётлар, хусусан, соҳага оид монография

ва мақолаларнинг ҳар бири тегишли мавзуларни чуқурроқ таҳлил этиш, талабаларнинг мустақил ўқиш фаоллигини ошириш учун хизмат қилади. Бизнингча, мазкур қўлланмалардан фойдаланиб матншунослик ва манбашунослик курсларини ўтаётган ҳар бир мутахассис бу жиҳатларга ҳам албатта диққат қаратиши, тегишли мавзуларга мўлжалланган қўшимча адабиётлар билан ҳам талабаларни таништириб бориши, талабаларда мустақил ўқиш кўникмасини шакллантириш натижасида уларнинг мантиқий фикрлаш даражасини ривожлантириб бориши лозим.

Масаланинг яна бир эътиборли томони мазкур ўқув қўлланмалар Тошкенг давлат шарқшунослик университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси илмий кенгашлари тавсиясига биноан ушбу олий таълим муассасаларининг профессорлари томонидан чоп қилинган. Демак, адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида мамлакатда етакчилик қилаётган ҳар уч ўқув даргоҳи йўналишдаги кадрлар тайёрлаш масаласида жиддий ишлар олиб бормоқда.

ХУЛОСА

Манбашунослик ва матншунослик соҳасида нашр қилинган юқорида номлари келтирилган қўлланмалардан фақат биттаси 1000 нусхада, қолган иккитасининг адади эса 100 ва 50 дона, холос. Бизнингча, ушбу қўлланмаларнинг қайта нашрларини амалга ошириш лозим.

Шунингдек, мазкур қўлланмалардан унумли фойдаланган ҳолда соҳа бўйича дарслик ва монографияларни чоп этиш керак бўлади. Сабаби матншунослик ва адабий манбашунослик назарияси юзасидан ўзбек тилида ҳали монографик тадқиқотлар яратилмади. Ваҳоланки, мамлакатимиз қўлёзма фондларида юз минглаб манбалар сақланади. Уларнинг катта қисми илмий муомалага киритилган бўлса-да, ҳали кўплаб асарлар нашри амалга оширилмаган. Мазкур ишларни жадаллаштириш учун тайёрланаётган мутахассисларнинг назарий билимларини етарли даражага кўтариш лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Тошкент: “Navoiy universiteti” nashriyot-matbaa uyi, 2019. – 127 б.
2. Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент: ТДШИ, 2017. – 216 б.
3. Эркинов А. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент: ЎзХИА, 2019. – 98 б.
4. Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Тошкент: Республика таълим маркази, 1997. – 50 б.
5. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик / Қисқача курс. – Тошкент: ТДШИ, 2000. – 172 б.
6. Ҳасаний М. Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фиҳристлаш. – Тошкент: ТДШИ, 2004. – 98 б.
7. Ҳасаний М., Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари. – Тошкент, 2012. – 136 б.